

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (11.093)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН КОРХОНАЛАРНИ БАРПО ЭТИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДА ХОРИЖ САРМОЯСИНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.



ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Кечка сатрларда

● **НИЗОМІЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетиди талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий конференция «Олима аёлларнинг жамият тараққиёти ривожига тутган ўрни» деб номланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ёш фермерлар ўртасида ташкил этилган «Ўлкамизга савҳат» марафони доирасида Қорақалпоғистон Республикасидан пойтахтимизга келган фермерлар Муस्ताқиллик майдонига экскурсия қилишди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг журналистика факультети ташаббуси билан ўқитувчилар, талабалар иштирокида уюштирилган тадбирда кино санъати ва унинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти борасида сўз борди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** мусика коллежлари ўқувчилари иштирокида «Биз келажак учун жавобгармиз» мавзусида ўтказилган тадбир Ёшлар йилга бағишланди.

● **УСПЕНСКИЙ** номидаги Республика мусика академик лицейида ўтказилган «Билимлар куни» тадбирида лицейнинг биринчи босқич ўқувчилари ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйда бадий-хаваскорлик жамоалари, тўғараклар, ўқув курслари раҳбарлари ва аъзолари иштирокида ўтказилган семинар машғулот «Маданият уйларида ўқув-услубий ишлаб самарадорлигини янада ошириш» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Бу давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, 2007 йилда мамлакатимизда ўзлаштирилган хорижий сармоя ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Унинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий сармоядир.

Ҳозирги кунда юртимизда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилмоқда. «Orient mebel» — улардан бири. У Ўзбекистон ва Кипр ишбилармонлари ҳамкорлигининг амалдаги намунаси.

Ўз фаолиятини 2002 йилда бошлаган «Orient mebel» илгор технологиялар асосида турли ўлчам ва дизайндаги ошхона мебеллари ва эшиклар ишлаб

чиқаришга ихтисослашган. Корхона сармоясининг 11 фоизи Ўзбекистон, 89 фоизи Кипр томонига тегишли. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли дизайн ва ҳажмдаги мебелъ жиҳозлари



юқори сифати, чидамлиги ва рақобатбардорлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулот буюртма асосида харидор талабига ва хоҳишига кўра исталган ранг, ҳажм ва дизайнда тайёрланади. Корхонада юзга яқин киши иш билан банд. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. «Orient mebel» 2007 йилда 6,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Корхона жамоаси жорий йилда бу кўрсаткични 8-10 миллиард сўмга етказишни режалаштирмоқда.

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хорижий ишбилармонлар фаолияти учун барча шарт-шароит ва қулай сармоявий муҳит яратилгани, айниқса, мебел-созлик корхоналарига солиқ ва боғжона имтиёзлари берилгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, — дейди «Orient mebel» қўшма корхонаси бош директори Ботир Муҳиддинов. — Мебелсоз корхоналарнинг четдан келтириладиган зарур хомашё учун бож тўлашдан овоз этилгани бунинг мисолидир.

Корхона ахлининг яқин келажакдаги режаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва иш ўринларини кенгайтириш орқали маҳсулотларини экспорт қилишга киришишдан иборат.

Нодира МАНЗУРОВА,
 ўзА мухбири

Олий Мажлис

Қонунчилик палатасида

КўМИТА

ЙИГИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚўМИТАСИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ БўЛИБ ўТДИ.

Мазкур кўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда 2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш дастурининг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга оид масала кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу борада амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, тўғридан-тўғри йўналтирилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Айни пайтда қимматли қоғозлар бозори ишини замон талаблари даражасида ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва унинг миллий стандартлари барча тармоқларда амалда тўлиқ татбиқ этилишини йўлга қўйиш, шу билан бирга ички ва ташқи аудит ўтказишни янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда Солиқ кодексини амалиётга кенг жорий қилиш ва унинг самарали ишлатишни ўрганиш, бухгалтерия ҳисоби ва мажбурий сугурта ҳизматини халқаро андозаларга мослаштириш, бунинг учун тегишли қонунларнинг қабул қилинишини тезлаштириш лозимлиги таъкидланди.

(ўзА)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни олдидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Белтепа» болалар спорт мажмуида ўтказилган «Очк эшиклар куни» спорт-соғломлаштириш тадбирида ана шу ҳақда сўз борди.

Хотин-қизларни оммавий спорт ва жисмоний тарбияга жалб этиш мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатга айланди. Зеро, маънавий комилликка, эзгу инсоний фазилатларга, метин ирода ва мустаҳкам саломатликка эришишда, фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишида жисмоний тарбиянинг аҳамияти беқиёс.

Юртимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишдаги эзгу ишлар натижасида спортнинг бадий гимнастика, енгил атлетика, синхрон сузиш каби нафис турлари билан шуғулланаётган аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хотин-қизлар учун спортнинг мазкур турлари бўйича янгидан-янги секция ва тўғараклар ташкил этилаётгани, олий ўқув юртурларидаги талаба қизлар спорт клублари фаолияти янада жонланаётгани республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда спортчи қизларимизнинг муваффақиятли иштирокида муҳим омили бўлмоқда.

Жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова, андижонлик Манзура Мама-солиева, қорақалпоғистонлик Дилноза Мирзаева, бухоролик Гулсумбегим Алиева, тошкентлик Гўзал Хуббиева, Замира Амирова, Анастасия Журавлёва каби қизларнинг шахмат-шашка, енгил атлетика, бадий гимнастика ва бошқа спорт турлари

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВКЕИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2004 ЙИЛ 25 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИ БУ ЙўНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БўЛМОҚДА.

Фармон ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА СПОРТ

бўйича эришаётган ютуқлари ана шу ғамхўрликнинг самараларидандир.

Кўмита қошида ташкил этилган хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш уюмаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуринда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, турли вазирликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёллар соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Хотин-қизлар ўртасидаги турли спорт мусобақалари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчи қизлари, умумтаълим мактабларининг ўқувчи қизлари ўртасидаги турнирлар, аёл спорт мураббийларини тайёрлашга йўналтирилган семинар-машғулотлар, анжуманлар шулар жумласидандир. Аёлларни, айниқса уй бекаларини оммавий спортга жалб этишга қаратилган ана шундай эътибор натижасида пойтахтимиз жамоаси Республика хотин-қизлар спар-

такиадаси, «Тумарис» аёллар спорт фестивалида қатор йиллардан буюн ғолибликни қўлга киритиб келмоқда.

«Очк эшиклар куни» иштирокчиларига шахримиздаги спорт мажмуаларида хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш борасида яратилган шароит ва қулайликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Шахримизда аёлларнинг, айниқса, уй бекаларининг спорт билан шуғулланиши, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди Юнусобод туманидаги «Чилнор» маҳалласида истиқомат қилувчи уй бекаси Муҳаррам Нурмухамедова. — Оиламизда нафақат мен, балки фарзандларим ҳам спорт билан мунтазам шуғулланади. Спорт саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишимизда ҳам жуда қўл келяпти.

Тадбир доирасида шаҳар туманларининг хотин-қизлар жамоалари ўртасида волейбол, эстафета, стол тенниси бўйича мусобақалари бўлиб ўтди.

Назокат Усмонова,
 ўзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Бухоро вилоятидаги ижроси назорат-таҳлили яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари фаолларининг йиғилишларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари таҳлил қилиниб, 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган маърузасидаги вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

● Ургут тоғлари бағрида автомобиллар учун мотор мойи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Камонгарон» МЧЖ Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасининг ташкил топиши туфайли 16 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланди. Мазкур қўшма корхона бир йилда 384 тонна мотор мойи ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Навоий вилоятига 32 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами, пойабзал, кийим-кечаклар, санитария-гигиена воситалари ортилган «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг навбатдаги саломатлик поездеи етиб келди. Бу бегараз ёрдам вилоятнинг Конимех, Навбахор, Нурота, Хатирчи, Қизилтепа туманларидаги ўқув ва тиббиёт муассасаларига, кам таъминланган оилалардаги мактаб ўқувчиларига топширилади.

● Андижон давлат педагогика институтиди «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан талабаларнинг «Ёш ҳуқуқшунослар» жамияти тузилди. Мазкур жамиятнинг асосий фаолияти олий ўқув юртурлари талабалари, лицей ва коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқий билимини мунтазам ошириб боришга қаратилган.

● Бухоро шаҳридаги 24-маҳсул мактаб-интернат ўқувчилари барча тенгдошлари сингари компьютердан сабоқ олишга киришди. Вилоят ҳудудидаги Хаузақ кўнани ўзлаштиришда иштирок этаётган компаниялардан бири ушбу маҳсул мактаб-интернатга қўзи ожизлар учун мўлжалланган компьютерлар совға қилди.

● Балиқчи туманидаги мактабларда «Болалар китоб байрами» кунлари ўтказилди. Унда ҳар бир мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари рус, ҳинд, турк, ўзбек миллий эртақларини қизиқиш билан мўталоа қилдилар.

● Навоий педагогика коллежида Навоий шаҳри ва Кармана туманлари маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўқув семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ўтказилган фавқулодда йиғилишида Косовонинг мустақиллик эълон қилиши масаласи муҳокама этилди. Айтиш керакки, Косово мустақиллигини Франция, Британия ва АҚШ тан олган бўлса, Россия, Испания, Руминия, Болгария, Греция ва Кипр бунинг халқаро қоидаларга зид деб ҳисоблайди. Сербия Косово мустақиллигини тан олган давлатлар билан дипломатик алоқаларини узишини билдирди.


● Кеча Покистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакатдаги 9 мингта сайлов участкаларида кучли хавфсизлик чоралари кўрилган бўлсада, 10 та сайлов участкасида портлаш содир этилди, натижада 10 киши ҳалок бўлди, ўнлаб аҳоли жароҳатланди. Дастлабки маълумотларга кўра, овоз берувчиларнинг 40 фоизи иштирок этган парламент сайловларида Халқ партияси олданда бормоқда.

● Кипр Республикасининг амалдаги Президентини Тасос Пападопулос Президент сайловининг иккинчи босқичига ўтолмади. Овозлар бўйича собиқ ташқи ишлар вазири Иоаннис Касулидес ва парламент спикери Деметрисус Христосфиасдан кейин учинчи ўринни олган президент 24 февралда бўладиган такрорий овоз беришда иштирок этмайди.

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Афғонистонда содир этилган кўпурувчиликни қоралади. Шу йилнинг 17 февралда Афғонистоннинг Қандаҳор вилоятида амалга оширилиб, 80 кишининг ҳаётига зомин бўлган хунрезликка ўз муносабатини билдирар экан, Бош қотиб бу воқеа Афғонистонда хавфсизликнинг ҳамон мавжуд эмаслигини яна бир қарра исботлаганини таъкидлади.

● Кеча Санкт-Петербургда жаҳон спорт академиясининг «Лауриус» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Жаҳон спорт, эстрада, кино юлдузлари иштирокида тўққизинчи бор ўтказилган нуфузли анжуманда теннисчи Роже Федерер ўтган йилнинг энг яхши спортчиси сифатида бош мукофотга сазовор бўлди.

● Машҳур Берлин кинофестивали ўз ниҳоясига етди. 58-бор ўтказилган ва 10 кун давом этган ушбу халқаро нуфузли кинофорумда бразилиялик режиссёр Жозе Падильянинг «Нуфузли отряд» фильми бош мукофот — «Олтин айиқ»га сазовор бўлди.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ
САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Хар кимки сендан кўркувда бўлса,
Ундан тинчлик кутиб, бўлмағил гофил.
Чаён санчар экан одамга нишин,
Кўпинча кўркувдан санчар, яхши бил.

Хар жойда ёмонлик ўргатар ёмон,
Хас-чўпга ёпишар фарқ бўлган инсон.
Ёмон кишиларга ҳамроҳ бўлмағил,
Қорасин юқтирар мисоли қозон.

Бемурувват, хунук арига айтгил:
Асал-ку бермайсан, нишингни санчма!

Ёмон-ла ўтирма, ёмон суҳбати —
Табъингни кир қилур, поклик офати.

Ёмон билан ўтирган инсон,
Бир яхшилик кўрмас ҳеч қачон.

Ким меҳр кўрғазди йиртқич бўрига,
Ситам-ла шўр кўшди кўйнинг шўрига.

Ростликдан бош тортмас ҳеч доно инсон,
Ростликдан одамга келур ардоқ, шон.

Дил, агар ростликни этсанг ихтиёр,
Дунё халқи сенга бўлур дўсту ёр.

Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,
Хикмат сўзи билан тўзалмас иши.
Нур ёғар насихат сўзламаса ҳам,
Туриши ибратдир покиза киши.

Қошнинг ростлиги эгрилигидир.

Жаҳонда тўғрилиқдан яхши иш йўқ,
Тўғрилиқ гулида тикану ниш йўқ.

Эй биродар, ёлгон гапирма зинҳор,
Ёлгончи бўлур хору беътибор.

Ёлгон бевиқор қилур одамни,
Ёлгон шармисор қилур одамни.
Ёлгончидан ордир оқиллар иши,
Ёлгончини одам демас ҳеч киши.

Одам тани-жон билан шарафлидир ягона,
Зебо кийим эмасдир инсонликдан нишона.

Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донлардек бир сўз дегил, лек маънодор.

Тилига ўтказолмас эрса ҳукмин,
Ўтирсин гунгу лол бурчақда мискин.

Қаноат яхшидир кеча-кундузи,
Қаноатли зотнинг ёруғ юлдузи.

Айём гардишидан кўп бўлма диққат,
Сабр ўзи аччиғу меваси лаззат.

Ақлли бўлади жаҳонгашта хўп,
У совуқ-иссиқни тортиб кўрмиш кўп.

Дўкону уйингдан чиқолмай бир он,
Ҳаргиз, эй хом одам, бўлмадинг инсон.
Чиқиб энди сен ҳам кезгил жаҳонни,
Бўшаб қолмасидан сендан бу жаҳон.

Бир кун ночор йиқилмоғингни билсанг,
Ўтирма кўп баланд, пастроқ ўтир сал.
Учиб отдан бўйин, бел синганидан,
Пиёда юрганинг афзал, минг афзал.

Манманлик, кибру ҳаво қилмасин бошингни
банд,
Баланд бўлмак истасанг, тутмагин ўзини
баланд.

Гадога бир дирам қумуш бўлса бас,
Сулаймон Ажамнинг мулкига тўймас.

Очофат аҳлига раҳм этма зинҳор,
Очофату меҳкай одам доим ҳор.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Тадбирлар

ФАОЛ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ХАЛҚИМИЗ НЕЧА АСРЛАР ЎТСА ҲАМКИ УЛУҒ АЛЛОМАЛАР, БУЮК ДАҲОЛАРИМИЗНИНГ БОЙ АДАБИЙ МЕРОСИНИ ҚАДРЛАБ, ЎҚИБ ЎРГАНИБ КЕЛМОҚДА, УЛАРНИНГ ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАРИ, ҒАЗАЛУ БАЙТЛАРИНИ ЁД АЙЛАБ, ҚЎШИҚ ҚИЛИБ КУЙЛАМОҚДА.

Яқингинада мамлакатимизда буюк алломаларимиз Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари кенг нишонланди. Кун кеча Тошкент Давлат автомобиль ва йўллар институтида ҳам ушбу саналар муносабати билан «Асрларни мунаввар айлаган даҳолар» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда институт ўқитувчилари, адабиётшунос олимлар, Ўзбек Миллий академик драма театрининг таниқли актёрлари ҳамда талабалар иштирок этдилар. Тадбирни институтининг тил ва адабиёт ўқитувчиси, профессор Ўткир Шокиров кириш сўзи

билан очиб, буюк сиймоларимиз Алишер Навоий ҳамда Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, бой адабий мерослари ҳақида, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбек Миллий академик драма театрининг таниқли актёрлари Ўзбекистон халқ артистлари Р.Иброҳимова, М.Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М.Исмоилов, Ш.Исмоилова, М.Мухторова, Ф.Маъсудовлар буюк сиймоларимиз ҳақидаги сахна асарларидан парчалар ижро этиб, ғазаларидан ёд олдилар. Шунингдек, тадбирда институт талаба-



лари ҳам улуғ даҳоларимиз ижодидан намуналар ўқидилар. Шу кун тадбир доирасида «Асрларни мунаввар айлаган даҳолар» мавзусида институт талабалари томонидан тайёрланган деворий газеталар ҳамда рефератлар танлови ўтказилди. Тадбир якунида танлов ғолиблар эълон қилиниб, муносиб совғалар билан тақдирланди.

— Миллатимиз фаҳри бўлган буюк мутафаккир, сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда улуғ шоир ва саркарда Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ўлмас асарлари хануз тилимизда ва дилимизда. Биз ёшларни бу ёрқин сиймоларнинг ижодидан доимо баҳраманд этишимиз зарур,— дейди Тошкент Давлат автомобиль ва йўллар институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Дағар Расулов. — Уйлайманки, ёшларимизнинг маънавиятини бойитишда, уларни ҳар томонлама етук ва комил инсон бўлиб воғға етишларида мана шундай маданий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Анжуманлар

ЁШЛАР ЭКОФОРУМИ

«ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА БИР ҚАТОР САМАРАЛИ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА. ЯҚИНДА МАЗКУР ТАШКИЛОТ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҒЛАР АКАДЕМИЯСИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, «КАМОЛОТ» ЁИХ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА «МАМЛАКАТ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИ» ШИОРИ ОСТИДА «ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАР ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ — ИЮТҚЛАР ОМИЛИ» МАВЗУСИДА ЁШЛАР ЭКОФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Экофорумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси вакиллари ҳамда вазирилик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтилари, олий ўқув юрталарининг раҳбар ва вакиллари, ёш олим ва мутахассислар, талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари ва бизнес тизимининг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этдилар. Тадбирда «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов «Глобаллашув ва экологик таҳдидлар шароитида ёшларнинг рақобатбардошлиги» ютуқлар омили» мавзусида сўзга чиқиб, глобаллашув ва экологик таҳдидлар даврининг тенденцияларини изоҳлар экан, жумладан куйидагиларни кайд этди: — Айтиш жоизки, бугунги кунда интернет, мобил телефон тизимларининг ривожланиши дунёда ахборот ва интеллектуал маҳсулотларнинг тарқалишини эркинлаштирди. Мамлакатлар ягона

унификацияланган сертификация ва стандарт тизимларини ривожлантирмоқдалар. Халқаро савдо, инвестицион лойиҳалар ҳажми ортиб бормоқда. Глобаллашув жараёнининг ижобий натижаларидан яна бири — инсонларнинг турмуш тарзи яхшиланишидир. Масалан, билимларнинг глобаллашуви соғлиқни сақлаш соҳасининг янада такомиллашувига хизмат қилади. Глобаллашув жараёни ижобий натижалар билан бирга, қатор умумбашарий экологик муаммоларни ҳам вужудга келтирди. Иқлим ўзгариши, туپроқнинг дегаррацияси, сув муаммолари, биологик хилма-хилликнинг қисқариб бориши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кундан-кунга сезиларли бўлиб бормоқда. Маълумки, бугунги глобаллашув ва экологик таҳдидлар даврида мамлакатларнинг рақобатбардошлиги дунё иқтисодиёти ва сиёсатининг етакчи концепциясига айланиб бормоқда. Ушбу муҳим ва мураккаб жараёнда ҳар бир давлатнинг рақо-

батбардошлиги, келажаги ва истиқболлари бевосита ёшларнинг салоҳияти, юқори билим ва интилишлари билан боғлиқдир.

Тадбирда экофорум иштирокчилари «Экосан» ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ёшларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий кўрсаткичларни муҳокама қилдилар. Жумладан, рақобатбардош ёшлар юксак билимга, касбий маҳоратга эга бўлишлари, замонавий техникадан бемалол фойдалана олишлари, илм ва фан ютуқларидан ҳақбардор бўлишлари, олган билимларини хат-га татбиқ эта олишлари керакдир. Экофорумда ёшларнинг фундаментал ва амалий билимларини ошириш, уларнинг салоҳиятини ривожлантириш, билимлар капитализацияси, инновацион тараққиёт ҳамда менежментни ривожлантириш бўйича масалалар муҳокама қилиниб, керакли тавсиялар қабул қилинди. Тадбирда ёшларнинг рақобатбардошлигини янада юксалтириш, улар орасидан қобилиятлиларини танлаб олиш, юқори технологияларни ривожлантириш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан ҳар бири 1 миллион сўмга тенг келадиган «Экосан» мукофотлари тасвис этилди. Ушбу мукофотлар 35 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёш олим ва мутахассисларига экология йўналишида, био ва нанотехнологиялар, информация-коммуникацион технологиялар, иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликни сақлаш каби йўналишларда олиб борган энг яхши илмий тадқиқотлари учун ҳар йили топширилади.

Тадбир доирасида намойиш этилган ёш мутахассис ва олимларнинг илмий ишлари ва лойиҳаларининг кўргазмаси йиғилганлар эътиборини ўзинга тортиди.
Гулором ҲАМИДОВА

МАРКАЗ

БЕМОРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ
ЖАҲОН БАНКИ РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИММУН ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИНИ ЮҚИТГАН БЕМОРЛАР УЧУН КЛИНИК ЎҚУВ-АХБОРОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА.

— Ушбу лойиҳа асосида Тошкентда тренинг ўтказилиб, барча масалалар ўрганилди.— деди Жаҳон банкининг Марказий Осиёда ОИТС ни назорат қилиш бўйича бош мутахассиси Татьяна Сурдина.— Анжуманда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган мутахассислардан иборат иккита гуруҳ иштирок этди. Бўлажак ўқув машғулотлари уч бошқадан иборат бўлиб, жорий йил октябр ойида ниҳоятга етади. Марказ сертификатига эга бўлган мутахассислар олган билим ва кўникмаларини ўз мамлакатларидаги тиббиёт, даволаш муассасаларида қўлайдилар. Ҳамжасбларига ўргатадилар. Шунингдек, лойиҳада дастурнинг ўқув курсларини врачлар малакасини ошириш институтига ҳам тадбиқ қилиш мўлжалланган.

Жаҳон банки ва Буюк Британиянинг ривожланиш департаменти ҳамкорлигидаги Марказий Осиёда ОИТС ни назорат қилиш лойиҳаси 2006 йилда иш бошлаган бўлиб, беш йилга мўлжаллангандир. У Марказий Осиёда яшаётган 54 миллион кишини ўз ичига қамраб олади.
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР




«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'LI» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА Хўрматли абонентлар!

«Ўзбектелеком» компанияси барча хизмат турларини: маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро, уяли, радио-видео-телеграф алоқаси, Интернет маълумотларни узатиш, ҳар қандай телекоммуникацион қўшимча, интеллектуал ва инновацион хизматларни кўрсата олади. Компаниянинг ҳамма ҳуқуқлари ҳимояланган, барча хизматлар лицензияланган. «Ўзбектелеком» АК ТШТТ филиалини модернизациялаш ва ривожлантириш режаларига мувофиқ АТС индексларини 2 миллионлик ҳудудга ўтказиш мuddатлари ҳамда фойдаланувчиларни қизиқтирувчи айрим хизмат турларини эълан этишимиз.

АТС номи	Бажариш мuddатлари 2008й., кун, ой, туи, соат 00.00-дан 08.00гача	АТС номи	Бажариш мuddатлари 2008й., кун, ой, туи, соат 00.00-дан 08.00гача
АТС-124	04.02 дан 05.02гача	АТС-118	14.04.2008 й.
АТС-137	11.02 дан 12.02 гача	АТС-170	27.03 дан 28.03 гача
АТС-115 Кўрувчи даҳаси			
АТС-173	20.02 дан 21.02 гача 21.02 дан 22.02 гача	АТС-149	20.03 дан 21.03 гача
АТС-138	03.04 дан 04.04 гача	АТС-368	03.03 дан 04.03 гача 04.03 дан 05.03 гача
АТС-169	18.02 дан 19.02 гача	АТС-160	13.03 дан 14.03 гача
Чисельний даҳаси			
АТС-161	28.02 дан 29.02 гача	АТС-142	24.03 дан 25.03 гача
АТС-153	06.03 дан 07.03 гача	АТС-143	25.02 дан 26.02 гача
АТС-152	06.02 дан 07.02 гача 07.02 дан 08.02 гача	АТС-144	10.03 дан 11.03 гача
		АТСни кенгайтириш	11.03 дан 12.03 гача 17.03 дан 18.03 гача
		АТС-114 Тошкент Тиббиёт академияси	18.03 дан 19.03 гача 17.03 дан 18.03 гача 18.03 дан 19.03 гача
АТС-116	07.04дан	АТС-117	21.04дан

Таклиф этиладиган хизматлар: оливий ва корпоратив видео-телефонлар, Интернет, маълумотлар узатишининг корпоратив тармоғи битта линияда эга бўлиш мумкин бўлган бир нечта интеграция қилинган телефонларни ўрнатиш. Рақамни қисқартиришнинг ҳолда териш, кирувчи ва чиқувчи алоқани вақтинчалик ёпиш. Кирувчи ва чиқувчи кўнгиноқларни бошқа манзилга ўтказиш. Янги чақирик бўлганлиги тўғрисида хабар бериш. Сўзлашув вақтида маълумотлар олиш, парол бўйича халқаро алоқа АОН функциялари бўлган телефон аппаратлари учун чақирувчи абонент рақамини кўрсатиш. Белгиланган рўйхат бўйича чиқувчи ва кирувчи кўнгиноқларни ёпиш. Кирувчи бегона кўнгиноқнинг келишини тўхтатиш. Абонент хошияига кўра бир рақамни бошқасига ўзгартириш ва бошқа кўлгина хизмат турлари. Хизматлар телефон узелларида расмийлаштирилади. Сизнинг саволларингизга 09, 009, маълумотлар хизмати, видеотелефонда 255-73-99 рақами жавоб беради, e-mail inform@tshtt.uz

ТШТТ маъмурияти



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Буюртма Г-106

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида боёқланади.
4061 нусxada боёқланади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри стқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилади ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқаровисиди.
Корхона манзили: «Буёқ Турно» кўчаси, 41-уй.